# Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ докладининг давоми

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Табиий газ базасида органик синтез саноатини тез ривожлантиришга жиддий эътибор бермоғимиз керак. Ўзбекистон халқ хўжалигининг автомобиль шиналарига бўлган катта эҳтиёжлари синтетик каучук ва корд ишлаб чиқаришни ташкил этишни қаттиқ талаб этмоқда.

Республикада катта кимёни вужудга келтириш вазифаси Госплан, маҳаллий партия ва совет органлари, халқ хўжалиги кенгашлари, Илмий-техника комитетидан экономиканинг ана шу энг муҳим тармоғини ривожлантиришга кўпроқ эътибор беришни талаб этади.

**Машинасозлик саноати** Ўзбекистон ССР халқ хўжалигида етакчи ўринлардан бирида туради. Ҳисобот даврида унинг ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар кўпайди.

Аввало, республика машинасозларининг пахтачиликни комплекс механизациялашга қўшган ҳиссасини айтиб ўтиш керак. Олимларимиз, конструкторларимиз ва машинасозларимиз КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларини ва Никита Сергеевич Хрушчевнинг маслаҳатларини бажара бориб, пахта етиштириш ва пахта теришдаги асосий ишларни механизациялаштиришни таъминлайдиган янги техникани вужудга келтирдилар ва бу техникани ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Мамлакатдаги пахтакор колхоз ва совхозлар далаларни чигит экишга тайёрлайдиган бир қанча янги машиналарни, белгиланган миқдорда чигит ташлаб, квадрат-уялаб экадиган сеялкаларни, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш учун керакли аппаратларни ва бошқа замонавий техникани олдилар. Пахта терадиган «ХВС-1,2» маркали янги машина яхши баҳо олди. Пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун ишлатилаётган прицеплар ишчи кучларини кўп миқдорда тежаш имконини беради. Прицеплардан пахта териш машиналари билан ва тайёрлаш пунктларида пахтани қабул қилиб олиш учун ишлатиладиган асбоблар билан бир қаторда фойдаланилади.

«Таштекстильмаш» заводи махсус конструкторлик бюроси билан биргаликда йигирув саноати учун керакли бир қанча янги машиналарни ўзлаштирди. Мамлакатда биринчи марта пилла тортиш автомати вужудга келтирилди. «Ташкенткабель», «Электр лампа», «Подъёмник», «Кинап», «Узбекхиммаш», «Большевик» заводлари ва бошқа корхоналар маҳсулотнинг янги турларини ўзлаштирдилар.

Аммо КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорида тўғри таъкидлаб ўтилганидек, Тошкент Халқ хўжалиги кенгашига қарашли бир қанча заводлар ва конструкторлик ташкилотлари пахтачиликни тобора механизациялаш учун зарур бўлган бир қанча машиналарни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш юзасидан берилган топшириқларни бажармадилар. Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши, область ва шаҳар партия комитетлари бу йил янги машиналар проектини тузиш ва уларни ишлаб чиқариш юзасидан графикка мувофиқ ишлаш учун таъсирли чораларни кўришлари лозим.

Республикадаги машинасозлик заводларида металл ишлаш машина-ускуналаридан фойдаланиш коэфициенти паст, кўпгина ишлаб чиқариш процесслари кўнгилдагидек машиналаштирилган эмас. Бир қанча машиналарни тайёрлашга кўп меҳнат сарф қилинмоқда, уларнинг вазни оғир, таннархи қиммат. Қуюв цехларининг ишида жиддий камчиликлар бор. Бу ҳол корхоналарнинг техника-иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади.

Республикада айрим ишлаб чиқариш процессларини ихтисослаштириш даражаси ҳали ҳам паст. Масалан, Тошкент Халқ хўжалиги кенгашида 25 та корхона покопка ишлаб чиқармоқда. Бундай тарқоқлик эса янги технология процессларини жорий қилиш ва ишлаб чиқаришни механизациялашга халақит беради. Бизда темирчилик корхоналарининг техника-иқтисодий кўрсаткичлари мамлакатдаги илғор корхоналардагига нисбатан 1,5—2 баравар кам. Республика Госплани ва халқ хўжалиги кенгашлари планлаштиришда ва маҳсулот етказиб беришни кооперативлаштиришда катта нуқсонларга йўл қўймоқдалар.

Биз ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, рационал кооператив алоқаларини мустаҳкамлаш, машинасозлик саноатида меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш учун ҳали кўп иш қилмоғимиз лозим. Машинасозликдаги асосий вазифалардан бири— халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлашни тезлаштириш учун зарур машина, ускуна, приборлар ишлаб чиқаришни таъминлашдан иборат.

Биз 1960 йилда асосан, пахта етиштириш учун керакли машина ва ускуналарнинг янги 26 хилини ўзлаштиришимиз ва ишлаб чиқаришимиз лозим. 2650 та пахта териш машинаси, 3000 та кўрак чувиш машинаси, 3300 та сеялка, шу жумладан уяга белгиланган миқдорда чигит экадиган 2450 сеялка ишлаб чиқаришни таъминлаш зарур. Бу — мамлакатдаги барча пахтакорлар олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Тошкент, Фарғона халқ хўжалиги кенгашлари ва республика Госплани машинасозлик заводларидаги қуюв цехларини ихтисослаштиришни 2—3 йил ичида туғаллашлари лозим.

Олимлар ва конструкторлар мавжуд машина ва механизмларни такомиллаштириш ва ғоят унумли янги, тежамли машина ҳамда механизмларни тайёрлашда, автомат ва поток линияларни вужудга келтириш, прогрессив технологияни жорий қилишда машинасозларга ёрдам беришлари керак.

Ҳисобот даврида **енгил ва озиқ-овқат саноатини** ривожлантиришга катта эътибор берилди. Пахта тозалаш заводларининг ишлаб чиқариш қуввати анча ўсди. Пахта заводларида ва тайёрлаш пунктларида кўп меҳнат талаб этадиган оғир ишларни механизациялаш соҳасида анча иш қилинди. Пахта тозалаш заводларини автоматлаш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. Тўқимачилик саноатини ривожлантиришда анча тузук муваффақиятларга эришилди. Озиқ-овқат саноатининг маҳсулоти анчагина кўпайди. Маданий-маиший ва уй-рўзғор буюмларини ишлаб чиқариш кенгайди ва уларнинг хиллари кўпайди. Халқ истеъмол молларининг сифати яхшиланди.

Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида ва КПСС Марказий Комитети ҳамда ССР Иттифоқи Министрлар Советининг «Тўқимачилик саноатини янада юксалтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида кўрсатиб ўтилган катта-катта камчиликлар республикамизда ҳам мавжуддир. Ўзбекистондаги халқ хўжалиги кенгашлари ва тўқимачилик корхоналари аҳолининг, айниқса болаларнинг газлама, трикотаж ва пайпоқларнинг айрим турларига бўлган ва ўсиб бораётган эҳтиёжини ҳали ҳам таъминламаётирлар. Тошкент тўқимачилик комбинати ва Марғилон ипак комбинати ишлаб чиқараётган газламаларнинг баъзи хиллари харидорларга манзур бўлмаётир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, тўқимачилик саноатини юксалтириш юзасидан амалий тадбирлар ишлаб чиқдилар. Шу етти йилликда Фарғона тўқимачилик комбинати, Фарғона йигирув-тўқув фабрикаси ва Марғилон ипак комбинатининг ишлаб чиқариш қуввати икки баравар оширилиши керак. Наманганда штапель толадан шойи ва костюмбоп газламалар ишлаб чиқарадиган комбинат қурила бошлайди. Бу комбинат мамлакатдаги шундай энг йирик комбинатларнинг бири бўлади. 1962—1965 йилларда Бухорода йирик меланж комбинатининг биринчи навбати, Самарқандда жун-газлама ишлаб чиқарадиган комбинат қурилади ва ишга туширилади.

Мамлакат тўқимачилик саноатини юксалтиришда «Таштекстильмаш» заводи коллективи муҳим роль ўйнайди. Бу завод бутун иттифоқимизда ишлаб чиқариладиган йигирув машиналарининг қарийб 60 процентини, ўров машиналарининг 50 процентини ва арқоқ машиналарининг ҳаммасини етказиб беради. 1963 йилдаёқ арқоқ машиналар ишлаб чиқариш 1959 йилдагидан 3,7 баравар ортиши керак, 1965 йилда эса завод ишлаб чиқарадиган бутун маҳсулот икки баравар кўпайиши лозим.

Пахта тозалаш саноатида пахта қабул қилиш, сақлаш, қайтадан ишлаш соҳасидаги жиддий камчиликларни бартараф қилиш ва пахта сортининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда толанинг юқори сифатли бўлишини таъминлаш керак. Машинада пахта териш кескин суратда кўпайтирилиши муносабати билан қуритиш-тозалаш цехларининг қувватини ошириш тадбирларини кўриш зарур. Барча пахта заводларини ғоят самарали ишлайдиган тозалаш машина-ускуналари билан таъминлашимиз, чигит тукини тўла ажратиб олиш йўли билан момиқ чиқаришни кўпайтириш чораларини кўришимиз лозим.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, озиқ-овқат саноати ходимлари озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини яхшилаш ва уларнинг хилларини кўпайтириш ва маҳсулотни тортиб, чиройлик қилиб ўраб чиқариш чораларини кўришлари лозим.

Ёғ заводларини чигитдан ёғ олишнинг экстракция усулига тезроқ кўчириш керак. Бу чора қўшимча равишда талайгина миқдорда ёғ олиш имконини беради.

Республика Госплани, халқ хўжалиги кенгашлари, партия ташкилотлари озиқ-овқат саноатида ва хусусан гўштдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган саноатда ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва янги корхоналарни ишга тушириш юзасидан қўшимча тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишлари керак. Айни вақтда гўштдан турли маҳсулотлар тайёрлайдиган колхозлараро корхоналарнинг кенг шохобчаларини вужудга келтиришга киришмоқ керак.

Кейинги йилларда **маҳаллий ва кооператив саноати**нинг иши анча яхшиланди. Тўрт йил ичида маҳаллий Советлар ихтиёридаги саноатнинг ялпи маҳсулот ҳажми 38 процент, ҳунармандчилик кооперацияси корхоналарида эса 58 процент кўпайди. Маҳаллий Советлар ва ҳунармандчилик кооперацияси саноатида бир хилдаги корхоналарни бундан буён ҳам бирлаштириш ва уларни ихтисослаштириш, ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, маҳсулотнинг сифатини кескин суратда яхшилаш ва таннархини камайтириш, халқ бадиий ҳунармандчилигини янада ривожлантиришни таъминлаш зарур.

* * *

Ўртоқлар! Партия XXI съездининг ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг тарихий қарорларидан илҳомланган республика саноат корхоналарининг коллективлари етти йиллик планни ишлаб чиқариш даражаси бўйича бир йил олдин, яъни 1964 йилда бажариш мажбуриятини олдилар. Бизда ўз резервлари ва имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, етти йиллик план топшириқларини 3—4 йил ичида бажаришга қарор берган корхоналар оз эмас.

Карборунд заводи коллективи 1960 йилдаёқ етти йилликнинг охирига мўлжалланган ишлаб чиқариш даражасига эришади, «Узбексельмаш», «Узбекхиммаш» ва «Ташкенткабель» заводларининг коллективлари эса бу даражага 1963 йилда эришадилар.

Саноат ишининг етти йиллик биринчи йилидаги якунлари бу мажбуриятлар тамомила реал эканлигини исбот этади.

Бутун совет халқи каби республикамиз меҳнаткашларининг ҳам ғайрат-ташаббуси ғоят ўсган бир вақтда олган мажбуриятларини бажариш уёқда турсин, ҳатто 1959 йил давлат планларини ҳам бажармаган бир қанча корхоналарнинг кейинда қолаётганликларига асло йўл қўйиб бўлмайди. Бекобод цемент комбинати, Самарқанд шаҳридаги 8-ғишт заводлари бошқармаси, Тошкент автоген заводи, хладокомбинати ва бошқа корхоналар шулар жумласидандир. Умуман республикада халқ хўжалиги кенгашларига қарашли 13 корхона, маҳаллий Советлар ва кооператив саноатининг 40 корхонаси давлат планларини бажармади ва 79 миллион сўмлик маҳсулот беролмай қолди. Халқ хўжалик кенгашларига қарашли 46 корхона меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқларини бажармади.

Бунга сабаб шуки, айрим партия комитетлари ва халқ хўжалиги кенгашлари саноатнинг иши билан конкрет равишда эмас, балки ҳали ҳам юзаки шуғулланмоқдалар, қолоқ корхоналарни илғорлар даражасига кўтариш учун амалий чораларни кўрмаётирлар.

Мисол учун Самарқанддаги «Красний двигатель» заводини олиб кўрайлик. Бу заводда давлат ва меҳнат интизоми йўлга қўйилмаган, меҳнат пухта уюштирилмаган, хусусан қуюв цехида технология қоидалари қўпол равишда бузилмоқда. Қуюв вақтида кўп брак чиқиши орқасида завод ҳар йили кўп зарар кўрмоқда. 1959 йилнинг бошида республикада техника билан энг яхши таъминланган цехларнинг бири — янги қуюв цехи ишга туширилганидан кейин ҳам бракдан қарийб 5 миллион сўм зарар кўрилди.

Самарқанддаги бошқа бир йирик корхонада — Охунбобоев номли кўн-тери заводида қийин операцияларнинг 50 проценти қўл кучи билан бажарилмоқда. Бу заводда маҳсулот сифатини яхшилаш учун, завод маркасининг шуҳрати учун астойдил кураш олиб борилмаётир. 1959 йилда Тошкентдаги пойафзал фабрикаларининг ўзигина икки миллион квадрат дециметрдан кўпроқ сифатсиз чармни заводга қайтариб юбордилар.

Биз шунга эришмоғимиз керакки, бу йил давлат планинигина эмас, балки социалистик мажбуриятларни ҳам бажармаган биропта корхона қолмасин. Ўрнатилмаган машина-ускуналарнинг ҳаммасини тезликда ишга тушириш, ишлаб чиқаришда нобудгарчиликка қарши, иш кунини зичлаштириш учун курашни кучайтириш зарур.

Шуни айтиб ўтиш керакки, партия комитетлари ва халқ хўжалиги кенгашларининг **техника билан қайта қуроллантириш** ва кўпгина саноат корхоналарининг техника-иқтисодий кўрсаткичларини янада яхшилаш соҳасидаги ташкилотчилик ишлари даражаси партия XXI съезди ва КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг талабларига ҳали ҳам жавоб бермаётир.

Масалан, Фарғона Халқ хўжалиги кенгаши янги техникани жорий қилиш соҳасида 1959 йилга мўлжалланган тадбирларнинг фақат ярмини амалга оширганлиги каби ҳолларнинг рўй беришига шу нарсани сабаб қилиб кўрсатиш мумкинки, айрим раҳбарлар техникани тараққий эттиришнинг аҳамиятини яхши тушуниб олган эмаслар, улар янги техникани жорий қилиш юзасидан берилган топшириқларни бажаришга юзаки қарамоқдалар, баъзан эса интизомга ҳам риоя қилмаётирлар. Андижон гидролиз заводини автоматлаш ва машинасозлик корхоналарида поток линиялар вужудга келтириш каби муҳим чоралар ана шундай тадбирлар қаторига киради. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Қорақалпоғистон халқ хўжалиги кенгашлари корхоналарида янги техникани жорий қилишга доир кўп тадбирлар амалга оширилмай қолди.

Ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаш негизида оғир қўл меҳнатини тугатиш энг муҳим халқ хўжалиги вазифаси бўлибгина қолмай, балки зўр сиёсий вазифа эканлигини ҳам тушуниб олмоқ керак.

Халқ хўжалиги кенгашлари, министрликлар, бошқармалар, илмий-тадқиқот ташкилотлари янги техникани тайёрлаб, жорий қилиш, замонавий машиналар, механизмлар ва приборларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, эскириб қолган машина-ускуналарни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш юзасидан белгиланган топшириқларни сўзсиз бажаришлари керак.

Корхоналарнинг техника даражасини ошириш учун курашда омманинг ўсган ижодий активлигига бошчилик қилиш ва резервлардан тўғри фойдаланиш, рационализаторлар ҳамда ихтирочиларни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш — бурчимиздир. Инженерлар, техниклар, ишлаб чиқариш новаторларини илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларига кенг жалб этмоқ керак. Бизда илмий ходимларнинг ишлаб чиқариш билан ўрнатган ва жуда яхши натижалар берган ҳамкорлигининг кўпгина ажойиб намуналари бор.

Кабель саноати илмий-тадқиқот институти билан Тошкент кабель заводининг биргаликда олиб борган илмий ва тажриба ишлари техникани такомиллаштиришга доир бир қанча тадбирларни ишлаб чиқиш ва корхонада жорий қилиш имконини берди. Бу чора умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлиб, иқтисодий жиҳатдан жуда катта самара бермоқда.

Кимёгар олимларнинг Қўқон суперфосфат заводи, Фарғона гидролиз заводи, Чирчиқ электр-кимё комбинати ва бошқа корхоналарнинг коллективлари билан маҳкам ҳамкорлиги фаннинг ишлаб чиқариш билан самарали алоқасига яхши мисол бўла олади.

Шу тариқа биргаликда олиб борилаётган ижодий иш техникани тараққий эттириш вазифаларини ҳал этишни тезлатиш билан бирга корхоналардаги ходимларнинг илмий-техника савиясини оширишга самарали таъсир кўрсатади ва фан учун катта амалий материал бериб, уни олға силжитади.

Ишлаб чиқариш процессларини автоматлаш — техникани тараққий эттиришнинг энг муҳим йўли ва асосий воситасидир. Кўпгина корхоналарда ишлаб чиқаришнинг қисман автоматлаштирилаётганлиги, шубҳасиз, керакли ва прогрессив бир ишдир. Аммо биз эндиликда айрим агрегатлар ва участкаларни автоматлаштиришдан цехларни автоматлаштиришга, тамомила автоматлаштирилган корхоналарни вужудга келтиришга ўтишимиз керак. Аввало кимё, ёғ, пахта тозалаш, машинасозлик саноати олдида ва бинокорлик материаллари саноати олдида ана шундай муҳим вазифа турибди.

Госплан ва республика илмий-техника комитети халқ хўжалигида техникани тараққий эттириш масалалари билан конкретроқ шуғулланишлари, янги техникани, прогрессив технологияни ва илғор иш тажрибаларини жорий қилишда халқ хўжалиги кенгашларига, министрликларга, корхоналарга актив ёрдам беришлари керак.

Биз экономика соҳасидаги ҳамма ишимизни жиддий суратда яхшилашимиз, корхоналарнинг техника-иқтисодий кўрсаткичларини чуқур анализ қилишимиз, моддий бойликларни рационал сарфлашга эришмоғимиз ва янги техникани жорий қилиш, ишлаб чиқаришни яхши ташкил этиш асосида меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз оширишни ва маҳсулотнинг таннархини камайтиришни таъминлашимиз лозим.

Иқтисодий районлар ўртасидаги алоқаларни янада яхшилаш ва мустаҳкамлаш — энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Ҳар бир корхонанинг энг муҳим бурчи — маҳсулотни кооперативлаштирган тартибда етказиб бериш планини ўз вақтида бажаришни таъминлашдан иборат.

* * *

Ўртоқлар! Ҳисобот даврида **транспорт ва алоқанинг** ҳамма турларини ривожлантиришда муайян муваффақиятларга эришилди. Тошкент темир йўл транспортининг юк обороти 1,4 баравар кўпайди. Меҳнатни ташкил этишда илғор методларни кенг қўлланиш натижасида бир кечаю-кундузда юк ортиш 18 процент ортди, вагонлар обороти қарийб 9 соат тезлашди, тепловозларнинг бир кечаю-кундуздаги қатнови 1,5 баравар ва поездларнинг ўртача юк ташиш вазни 20 процент кўпайди.

Локомотив паркига янги техника — тепловозлар қўшилди. Ўтган йилиёқ юкларнинг ярми тепловозда ташилди. Тошкент — Урсатьевск участкасида 128 километр масофада иккинчи йўл қурилди.

СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС 1959 йил III ва IV кварталида бажарилган иш якунларини эътиборга олиб, Тошкент темир йўлига кўчма Қизил байроқ берди.

Аммо, темир йўлнинг ишида жиддий камчиликлар ҳам бор. Темир йўлнинг айрим участкаларида юк поездлари қатнови графиги ҳали ҳам бузилмоқда, техника ва эксплуатацияси қоидаларига риоя қилинмаётир. Тепловоз, паровозларнинг бир кечаю-кундузда қатновини ошириш ва вагонлар оборотини тезлаштириш учун мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир. Поездларнинг ҳалокатга учраши ва авариялар каби ярамас ҳолларга ҳали ҳам тамомила барҳам берилган эмас.

Етти йиллик планда юк оборотини 1,4 баравар кўпайтириш, йўлларда тепловозларни қатнатишга ўтишни туғаллаш, шаҳар атрофидаги бир қанча участкаларга эса электровозларни қатнатиш кўзда тутилади. Вагонларнинг обороти 12 соат тезлаштирилади. Темир йўлда меҳнат унумдорлиги 38 процент ортиши керак. Темир йўлларни техника билан таъминлаш ва меҳнатнинг янги прогрессив усулларини жорий қилиш, аввало юк поездларини тузиш ва вагонларни бир-биридан ажратиш ишларида бу усулларни жорий қилиш лозим. Механизациялаш ва автоматлаш, станцияларда стрелька ва сигнал установкаларини марказлаштирилган тартибда бошқариш усулини жорий қилиш, вагонларни кўпроқ улаш ҳисобига поездларнинг бир кечаю-кундузда қатновини тезлатишга эришиш керак. Поездларнинг хавф-хатарсиз қатнашини таъминлашга алоҳида эътибор бериш лозим.

Республиканинг автомобиль парки яна саккиз минг янги машина олди. Юк обороти 1955 йилдагига нисбатан 1,9 баравар, пассажирлар ташиш эса 3 баравардан зиёд ортди. Ҳозирги вақтда область марказларидан барча районларга автобуслар қатнаб турибди.

Йўл хўжалиги техника билан кўпроқ таъминланди. 2700 километр узунликдаги автомобиль йўллари қурилди ва реконструкция қилинди, Катта Ўзбекистон йўлини реконструкция қилиш тамомланмоқда, Тошкент — Оҳангарон — Қўқон ўртасида баланд тоғ ошиб ўтадиган автомобиль йўлини қуриш соҳасидаги асосий ишлар тамомланди.

Шу нарса қувончлики, автомобиль йўллари қурилиши чинакам умумхалқ иши бўлиб қолмоқда, колхозлар бу ишда актив қатнашмоқдалар. Кейинги 4 йил ичида йўл хўжалигига сарфланган 560 миллион сўмнинг 220 миллион сўми колхозларнинг бўлинмас фондларидан ажратилди.

Етти йилликда автомобиль транспортининг юк обороти 2,8 баравар, пассажирлар ташиш қарийб 3 баравар ортиши керак. Йўл хўжалигига 1 миллиард 600 миллион сўмдан кўпроқ маблағ, шу жумладан колхозларнинг бўлинмас фондидан 1 миллиард сўмга яқин маблағ сарф қилинади.

Лекин автомобиль паркидан фойдаланиш коэфициенти ҳали ҳам паст, автомобиль қатнайдиган йўлларни яхшилаш учун зарур чоралар кўрилмаётир. Йўлларда авариялар ва кўнгилсиз ҳодисалар ҳали ҳам кўп учраб туради. Пассажирларни ташиш давлат плани бажарилмаётир.

Автотранспорт ва тош йўллар министрлиги ўз ишини яхшилаши, хусусан автомобиль паркининг техника ҳолати ва ундан фойдаланишдаги камчиликларни қатъиян тугатиши лозим.

Партия ва совет ташкилотларининг вазифаси — республикада йўл хўжалигини яхшилаш учун умумхалқ ҳаракатига бошчилик қилишдан ва шу мақсадда маҳаллий моддий-техника ресурсларидан тўла фойдаланишдан иборат.

Ҳисобот даврида граждан ҳаво флоти Ўзбекистон территориал бошқармасининг коллективи ўз ишини анча яхшилади. Республикани Совет Иттифоқининг кўп шаҳарлари билан боғлайдиган янги ҳаво йўллари очилди. Пассажирлар ташиш 5 баравар, юк ташиш 3 баравар кўпайди. Ўзбекистон граждан ҳаво флоти бошқармаси янги турбореактив самолётлар ва вертолётлар олди.

Етти йилликда ҳаво транспортида пассажирлар ташиш 7 баравар, юк ташиш қарийб 6 баравар ортади, авиация ёрдами билан қишлоқ хўжалик экинларини дорилаш 3—4 баравар кўпаяди.

Республика граждан ҳаво флотининг ходимлари пассажирларга хизмат кўрсатишни бундан буён ҳам яхшилашлари, хавф-хатарсиз учишга алоҳида эътибор беришлари, янги техникадан тўғри фойдаланишлари, учиш ва меҳнат интизомини кучайтиришлари, пассажирлар ва юк ташиш, шунингдек, қишлоқ хўжалик экинларини дорилаш давлат планларининг бажарилишини таъминлашлари керак.

Республиканинг ўзида ва республика территориясидан ташқарида юк ташишнинг энг тежамли ва мақсадга мувофиқ системасини қўлланиш тўғрисида фикр юритмоғимиз керак.

Республикада алоқа воситалари кенг ривожланди. Шаҳар телефон шохобчаларининг ҳажми 74 процент кенгайди. Тошкент, Чирчиқ, Марғилон шаҳарларида автомат телефон станциялари қурилди, Самарқанд шаҳрида телефон станцияси қурила бошлади. Қишлоқ Советлари, РТС, колхоз ва совхозларни телефонлаштириш тамомила туғалланди. Республикада иккита телевидение маркази ва 7 та ретрансляция станцияси қурилди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳолисининг 60 проценти Тошкентдан бериладиган телеэшиттиришларни кўриш имкониятига эгадир. Радиостанцияларнинг қуввати 5 баравар ўсди.

Аммо аҳолига, хусусан қишлоқ аҳолисига алоқа воситалари билан хизмат кўрсатиш ўсиб бораётган талабларимизга ҳали тўлиқ жавоб беролмайди. Обуначиларга газеталар, журналлар, шунингдек, хат ва телеграммалар ўз вақтида етказиб берилмаётир.

Алоқа ходимлари етти йилликда алоқа воситаларини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришни, почта, телеграф, телефон ва телевидение ишларини яхши йўлга қўйишни таъминлашлари, аҳолига яхши хизмат кўрсатишлари лозим. Шаҳар, шаҳарлараро телефон ва телеграф станцияларида автоматика ва ярим автоматика воситаларини кенг жорий қилишга эришмоқ керак.

* * *

Ўртоқлар! Партия ташкилоти капитал қурилиш соҳасида баъзи муваффақиятларга эришди. Ҳисобот даврида 170 та йирик ва ўртача катталикдаги саноат корхоналари, 46 минг ўринли мактаб, 9300 ўринли болалар боғчаси ва ясли, 3000 ўринли касалхона қурилди ва фойдаланиш учун топширилди, шаҳарларда, РТС ва совхозларда давлат ҳисобига, шунингдек, якка тартибда қуриш йўли билан жами 6 миллион квадрат метр ҳажмида уй-жой қурилди. Бундан ташқари колхозчилар 174 минг уй-жой қуриб олдилар.

Ҳозирги вақтда қурилиш ташкилотларимиз йириклаштирилган. Улар замонавий техника билан таъминланган ва малакали кадрлар билан мустаҳкамланган. Бизда қурилиш индустриясининг ҳал қилувчи соҳаси — йиғма темир-бетон буюмлар ва конструкциялар саноати вужудга келтирилди. 1956 йилда республикада атиги 58 минг кубометр йиғма темир-бетон ишлаб чиқарилган бўлса, 1959 йилда 273 минг кубометр, ёки 5 баравар кўпроқ ишлаб чиқарилди.

Лекин шундай бўлса ҳам, республикада капитал қурилиш ҳали ҳам жуда кейинда қолмоқда. Планларнинг доим бажарилмай қолиши, маблағларнинг жуда кўп объектларга сочиб юборилиши орқасида ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш муддатлари чўзилиб кетмоқда. Бизда уй-жой ва маданий-маиший бинолар қурилиши жиддий суратда кейинда қолмоқда. Қурилиш министрлиги ихтиёридаги 24 трестнинг 13 таси, яъни ҳамма трестларнинг ярмидан кўпроғи 1959 йилда давлат планини бажармади. «Узглавсельстрой» планни 80 процент, «Главголодностепстрой» 92,5 процент бажарди.

Қурилиш ташкилотлари йиғма конструкциялар ва деталлар, шунингдек ёғочсозлик ва механизмларни ремонт қилиш юзасидан запас қисмларни чиқариш учун ҳали мустаҳкам ишлаб чиқариш базасига эга эмас. Лекин, шунга қарамай, ишлаб чиқариш базаларини қуриш учун ажратилган маблағлардан яхши фойдаланилмаётир, йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш юзасидан берилган топшириқлар бажарилмаётир.

1959 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум капитал қурилиш масалаларини қараб чиқди. Пленум халқ хўжалигининг ана шу энг муҳим соҳасидаги ишларни тубдан яхшилашнинг амалий тадбирларини белгилади, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш планларининг бажарилмаслиги каби тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолларга хотима беришни талаб қилди.

Қурилиш министрлиги, халқ хўжалиги кенгашлари, партия ва совет органлари 1960 йилда янги энергетика қувватларини, чунончи, Оҳангарон ГРЭСида 100 минг киловатт, Тахиатош ГРЭСида 12 минг киловатт энергетика қувватини, Фарғонада 58 километр, Қорақалпоғистонда 57 километр узунлигида электр линиялари қуришни таъминлашлари, Чирчиқ электро-кимё комбинатининг қувватини қўшимча равишда минглаб тонна аммиак ишлаб чиқарадиган қилиб кўпайтиришга эришишлари, Ўзбекистон металлургия заводида узлуксиз пўлат эритишни уюштиришлари, йилига 4 миллион жуфт калош чиқарадиган Поп резина-техника заводининг биринчи навбатини, Фарғона, Наманган, Самарқанд ва Бухорода йилига жами 175 минг квадрат метр ҳажмида уй ишлаб чиқарадиган 4 заводни ишга туширишни таъминлашлари лозим.

Биз қурилиш муҳлатларини кескин суратда қисқартиришимиз ва капитал маблағлардан кўпроқ самарали фойдаланишимиз керак.

Қурилиш соҳасидаги асосий вазифа — қурилиш ишларини индустрлашни янада ривожлантириш ва қурилиш технологиясини яхшилаш йўли билан техника тараққиётини тезлаштиришдан, қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш базасини бутун чоралар билан мустаҳкамлашдан ва янги самарали материаллар ҳамда конструкцияларни тез жорий қилишдан иборат.

Капитал қурилишни планлаштиришдаги камчиликларни йўқотиш, маблағларни жуда кўп объектларга сочиб юборишга қатъий хотима бериш зарур.

Биз 1960 йилда камида 400 минг кубометр янги темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқаришимиз, тупроқ қазишда комплекс механизациялаш даражасини 95 процентгача, рудасиз материаллар чиқаришда 80 процентгача, қурилиш конструкцияларини монтаж қилишда 94 процентгача, қурилиш конструкцияларини ортиш ва бўшатиш ишларида 80 процентгача етказмоғимиз керак.

Капитал қурилишнинг сифат кўрсаткичларини оширишни таъминлаш, лойиҳа ишларини яхшилаш ва конструкциялар ҳамда материаллар қурилиш параметрларини бир хил қилишни тартибга солиш, қурилишда меҳнат унумдорлигини янада ошириш ва қурилиш ишлари қийматини арзонлаштириш чораларини кўриш зарур.

Ҳисоб-китоб ишларида қаттиқ тартиб ўрнатиш — қурилиш материалларини тўғри, тежамли сарф қилишга эришмоқ лозим. Қувватларнинг ўз вақтида ишга туширилишини, материалларнинг мақсадга мувофиқ сарфланишини ва қурилиш сифатини контроль қилишга жамоатчиликни кенг жалб этиш зарур.

Капитал қурилиш ҳажми кенгайиб бораётганлиги бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришни талаб этади. Бу соҳада баъзи ишлар қилинган бўлса ҳам, қурувчилар бириктирувчи ва деворбоп материалларга, бетонлар учун керакли тўлдиргичларга ҳали ҳам катта эҳтиёж сезмоқдалар. Бизда совуқ-иссиқ ўтказмайдиган материаллар, санитария-техника материаллари ва металл конструкциялари ишлаб чиқариш сира ҳам қониқарли уюштирилган эмас.

(ДАВОМИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

